

АРИПОВА Зухра Джахангировна  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси  
доценти, тарих фанлари доктори (DSc)  
E-mail: aripova.zuxra@mail.ru

## АРАБ ТИЛИДАГИ МАҚОЛЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

### МЕТОДЫ ПЕРЕВОДА АРАБСКИХ ПОСЛОВИЦ НА УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

### METHODS OF TRANSLATION OF ARABIC PROVERBS INTO UZBEK LANGUAGE

**Аннотация:** Бир неча минг йиллардан бери мақоллар инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Инсон ҳаётининг ҳар жабҳасида мақол ва маталларни учратиш мумкин. Оддий саводи йўқ одамдан тортиб то зиёлигача барча ҳаёти давомида мақолларни қўллайди. Бу мақолада араб тилидаги мақолларни ўзбек тилига таржима қилиш - тўлиқ эквивалентлик, қисман эквивалентлик, паремиологик аналоглар, эквивалент бўлмаган мақол усуллари борасида сўз боради.

**Калит сўзлар:** мақол, матал, таржима, ўзбек тили, араб тили, тасвирий, услуб, фразеология

**Аннотация:** Пословицы были неотъемлемой частью человеческой жизни на протяжении нескольких тысяч лет. Пословицы и поговорки можно найти в каждом аспекте человеческой жизни. Их используют на протяжении всей своей жизни и безграмотные, и интеллектуалы. В данной статье рассматривается перевод пословиц с арабского на узбекский язык - полная эквивалентность, частичная эквивалентность, паремиологические аналогии, неэквивалентные методы перевода пословиц.

**Ключевые слова:** пословица, поговорка, перевод, узбекский язык, арабский язык, описательный стиль, фразеология

**Abstract:** Proverbs have been an integral part of human life for thousands of years. Proverbs and sayings can be found in all spheres of human life. We all use proverbs throughout our life. This article deals with the translation of Arabic proverbs into Uzbek -

full equivalence, partial equivalence, paremiological analogues, methods of non-equivalent proverbs.

**Keywords:** proverb, saying, translation, Uzbek language, Arabic language, descriptive style, phraseology

## КИРИШ

Араб тили сомиё тиллар гуруҳига мансуб бўлиб, жаҳондаги энг кўп тарқалган тиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги замон араб тили Яқин Шарқ, Ўрта Шарқ, Араб ярим ороли ва Шимолий Африка каби минтақаларни ўз ичига олган катта ҳудудга тарқалган. Бу давлатларда фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан фарқланувчи лаҳжалар мавжуд. Бироқ араб адабий тили ушбу минтақаларнинг давлат тили ҳисобланади. Бу илм-фан, адабиёт, радио ва матбуот, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг расмий нутқий тили ҳамдир. Ҳар бир тилда бўлгани каби бу тил ҳам янги атамалар кириб келиши туфайли ривожланмоқда.

Араб тили ҳам дунёнинг бошқа тиллари сингари инсон тафаккури ва тажрибаси хазинаси бўлган мақол ва маталларга бой. Бу тилда бутун жамиятни ҳам, ҳар бир шахснинг ҳаётий тажрибасини ўзида мужассам этган мақол, матал ва афоризмларнинг ниҳоятда бой тўплами мавжуд. Улар бир вақтнинг ўзида сўзма-сўз ва кўчма маънода – ёки фақат мажозий маънода гапирганда, ҳаётнинг турли жабҳаларидаги қарашларини авлоддан-авлодга ўтказиб, одамлардаги баъзи фазилатларни маъқуллайдилар ва бошқаларни қоралайдилар, ифодали ва образли тарзда баён этадилар [7:5].

## АСОСИЙ ҚИСМ

“Масалун” (مَثَلٌ, кўплиги أَثْمَالٌ) араб тилидан таржима қилганда “мақол”, “матал”, “масал”, “зарбул-масал”, “афоризм” атамаларига тахминий равишда тўғри келиши мумкин. Лекин бу атама араб тилида ва “мисол”, “ўхшашлик”, “қиёслаш”, “масал”, “монанд” маъноларида ҳам кенг қўлланилади, шунингдек, “تَمْثِيلٌ”нинг синоними сифатида ҳам ишлатилади.

Араб тилидаги “مَثَلٌ” сўзи яна “جَمْعَةٌ” (кўплиги “جَمَعٌ”) – “донолик”, “донийшмандлик”, “ҳикмат” ва “قَوْلٌ” (кўплиги “أَقْوَالٌ”) – “гап”, “фикр”, “ҳикматли сўз”, “عِبْرَةٌ” (кўплиги “عِبَرٌ”) – “ибрат”, “панд-насихат”, “ибратли мисол”, “مَوْعِظَةٌ” (кўплиги “مَوَاعِظٌ”) – “ваъз”,

“панд-насихат”, “ўғит”, атамалари билан ҳам ифодаланади.

“Мақоллар – унча катта бўлмаган, лекин халқ оғзаки ижоди меросининг ўзига хос бир бўлаги бўлиб, у халқнинг тарихий ривожига ва хулқ-атвори, меҳнат ва турмуш тарзи худди тошга битилгандек аниқлик билан мақол ёки метафора кўринишида шаклланган. Фарқи шундаки, токи уларни яратган халқ ва уларни ўзининг бир бўлагига айлантирган тил мавжуд экан, мақоллар асрлар давомида яшаб келаверади” [9:86]. Шунинг унутмаслик керакки, мақоллар уларни яратган халқ донолигини ўзида акс эттиради. Донолик эса бутун бошли илм-фандир: кўпни кўрган одамларгагина хосдир. Ўз даврининг ва кейинги замонларнинг улугъ истеъдод соҳиби, мил. ав. IV асрнинг буюк файласуфи Аристотель таъкидлайдики, “Доналикни ҳақли равишда илоҳий дейиш мумкин, чунки у авваламбор Яратганга ва унинг моҳиятини англаган борлиқкагина хосдир” [2:8]. Таниқли аллома Ал-Форобий мақолларни сўз жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам аҳолининг барча қатламларини қаноатлантирадиган иборалар деб ҳисоблаб, “Халқ мақолларни шунчалик яхши кўрадики, улар қувончли дақиқаларда ҳам, қайғули дақиқаларда ҳам айтилаверади”, – дейди [8:486].

Ибн Салом ал-Аздий “Мақол арабларнинг ҳикматидир” деган нуктаи назарга эга. Бу ерда ал-Аздий исломгача бўлган давр ва ислом даври ўртасида тарихий параллеллик келтириб, араблар ҳар доим баҳс ва мунозараларда мақол мантикидан фойдаланганлар, деган хулосага келади [1:85].

“متل” атамаси тушунчасига таъриф бериш ва унинг характерли хусусиятларини аниқлашга биринчи уринишлар IX асрда бошланган.

Араб мақолларига хос лексик-семантик хусусият уларнинг образлилигида намоён бўлади. Образларни тасвириш араб мақолларида мажбурий компонент эмас, лекин шунга қарамай тасвирий баён кўплаб мақол ва маталларда ўз аксини топган [3:50]. Шу асосда барча араб мақолларини уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ – тўлиқ мажозий характердаги мақоллар:

مَنْ شَبَّ عَلَى شَيْءٍ شَابَ عَلَيْهِ

Сўзма сўз таржима қилинса: Ким қандай ҳолатда вояга етган бўлса, қариганда ҳам шундай бўлади. Бунини мажозий маънода таржима қилинса – “Букрни гўр тўғрилайди” – деган маънони беради.

الْكَلْبُ لَا يَغُضُّ أُنْ أَخِيهِ

Сўзма сўз таржима қилинса: Ит акасининг қулоғини тишламайди. Бу мақолни мажозий маънода таржима қилинса – “Қарға қарғанинги кўзини чўқимайди”.

Иккинчи гуруҳ – қисман мажозий характердаги мақоллар:

الْكَلَامُ الْخُلُو لَا يَشْنَعُ الْجَوْعَانِ

Сўзма сўз таржима қилинса: “Ширин гап очни тўйдирмайди” бўлади ва бу мақолни қисман образли характерда ўғирилса, “Ҳолва деган билан оғиз чучимайди” – деган маънони беради.

زِيَادَةُ الْخَيْرِ خَيْرَانِ

Сўзма-сўз ҳолатда “Яхшиликнинг ортиши 2 та яхшиликдир” деб таржима қилинса, агар қисман бирор нарсага ўхшатиб таржима қилсак, “Бўтқа таъмини сариеғ бузмайди”, деб бериш мумкин.

Учинчи гуруҳ – тасвирий характерга эга бўлмаган мақоллар:

الْعِلْمُ نُورٌ وَالْجَهْلُ ظَلَامٌ

Ўзбек тилига таржима қилсак, “Илм нур, жаҳолат (билимсизлик) эса зулматдир” тарзида бевосита берилади.

مَنْ تَأَتَّى نَالَ مَا تَمَنَّى

Бу мақолни ўзбек тилига “Ким секин юрса, муродига етади”, деган мақолни “Жим юрган узокқа боради” тарзида ўғириш мумкин.

Семантик жиҳатдан араб мақоллари жуда хилма-хилдир. Уларнинг аксарияти инсоннинг интеллектуал қобилиятларига бағишланган:

زَيْنَةُ الْمَرْءِ عَقْلُهُ

“Инсоннинг зийнати унинг ақлидир”,

عَدُوٌّ عَاقِلٌ خَيْرٌ مِنْ صَدِيقٍ جَاهِلٍ

“Ақли душман аҳмоқ дўстдан афзалдир, ҳикмат сўзлашувчи дўстдан”

“Доналик мўминнинг йўқотган нарсаси”.

Илмга интилишни, олимларга чексиз ҳурматни мадҳ этувчи араб мақоллари муҳим гуруҳни ташкил этади:

اطْلُبُوا الْعِلْمَ مِنَ الْمَهْدِ إِلَى اللَّحْدِ

“Бешиқдан қабрга қадар илм изланг”

الْعُلَمَاءُ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ

“Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидирлар”.

Араб тилидаги мақолларни таржима қилишда фразеологик бирликларни таржима қилишда бўлгани каби баъзи жиҳатларни эътиборга олиш керак бўлади. Мақол ва маталларнинг таржима қилишда уларнинг структуравий-типологик ва функционал-семантик ёндашувларга таяниш зарур. Бу ўз навбатида қуйидаги тиллараро муносабатларни ажратиш кўрсатиш имконини беради:

Тўлиқ эквивалентлик;

Қисман эквивалентлик;

Паремиологик аналоглар;

Эквивалент бўлмаган мақоллар [6:217].

Эквивалент бўлмаган мақолларни таржима қилиш учун тавсифий таржима усули ва қўшма таржимадан фойдаланиш мумкин.

Ушбу муносабатларнинг ҳар бирини батафсил тўхталинса:

Тўлиқ эквивалентлик ҳолатида араб ва ўзбек тилларидаги мақол ва маталларнинг таркибий қисмларининг мажозийлиги ва семантикаси бир-бирига мос келади.

Мисол сифатида араб ва ўзбек тилларининг баъзи мақоллари кўриб чиқилди. **مَنْ يَبْحَثْ يَجِدْ** Излаган имкон топар. Бу мақолларда таркибий қисмларнинг образлилиги ҳам, семантикаси ҳам бир-бирига бутунлай мос келади.

**عِنْدَ النَّازِلَةِ تَعْرِفُ أَخَاكَ**

Арабчадан таржимаси “Кулфатда биродарингни биласан”, ўзбек тилидаги эквиваленти – “Дўст кулфатда билинади”.

**كَمَا تَزُرُّ عِ تَخْصُنُ**

“Нима эксанг, шуни ўрасан”.

2. Қисман паремиологик эквивалентларга араб ва ўзбек тилларидаги бир хил маънони билдириб, лекин бадиий услуб ва таркибий қисмлардан бир оз фарқ қиладиган мақоллар ва маталлар қиради.

Араб ва ўзбек тилидаги мақолларда бир хил нарсани инобатга олингани билан, икки хил сўз ишлатилган бўлиши мумкин. Масалан: **عِلْمَانِ خَيْرٌ مِنْ عِلْمٍ** “Икки илм бир илмдан яхшироқ” араб мақоли ўзбек тилида “Бир бош яхши, лекин икки бош ундан яхшироқ” маъносида қўлланилади. Бу ўринда **عِلْمٍ** (билим, илм), **عِلْمَانِ** (2) та илм) маъносини тажима қилинганида бир бош, икки бош деб, таржима қилинади.

**التَّجَارِبُ لَيْسَتْ لَهَا نِهَايَةٌ، وَالْمَرْءُ مِنْهَا فِي زِيَادَةٍ**

Арабчадан таржимаси – “Тажрибаларнинг охири йўқ ва инсоннинг илми бу билан ортиб боради”, ўзбек тилидаги эквиваленти – “Бир аср

яша ва бир аср ўрган”, бунинг русча варианты “Век живи, век учись” шаклида бўлади.

**قَدَّرَ ثُمَّ أَقْطَعَ**

Арабчадан таржимаси – “Ўлча, сўнг кес” – ўзбекчадаги варианты эса, “Етти ўлчаб, бир кес” маъносини беради.

Бу мақолларда сўзма-сўз равишда таржима қилинганида бир хил маънони берган, лекин бадиий услуби ва таркибида фарқ мавжуд.

3. Паремиологик аналоглар эса, араб ва рус тилларидаги мақол ва маталлар маъно жиҳатидан бир-бирига мос келадиган, лекин тасвирий ва таркибий тузилиши жиҳатидан фарқ қилувчи паремиологик ўхшашлар ҳисобланади. Бу фарқлар муайян халққа хос бўлган ва солиштирилаётган тилларнинг миллий ўзига хослигини ташкил этувчи менталитетнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Араб ва ўзбек тилидаги мақолларни бу турида таржима қилинганида бир хил маънога эга, лекин тасвирланаётган компонент композицияси фарқланади. Масалан: **الْكَلْبُ لَا يَعْصِي أَثَنَ أَخِيهِ** араб мақоли ўзбек тилига таржима қилинганда “Ит бир-бирининг қулоғини тишламайди” деб, таржима қилинади, бу мақолнинг ўзбек тилидагисида эса “Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди” сифатида берилади. Икки тилдаги мақолнинг маъноси бир, лекин тасвирланаётган ҳайвонларда фарқ мавжуд. Араблар ит образида кўпинча салбий ҳолатни беришса, ўзбеклар қарғани худди шундай салбий образ сифатида талқин қиладилар.

**إِنَّ الْجَوَادَ قَدْ يَعْتُرُ**

Араб тилидан ушбу мақолни таржима қилинса, “Учқур от ҳам қоқилади” деб берилади, лекин рус тилига эса “И на старуху бывает проруха”. Бу таржимадан ҳам кўриниб турибдики, бунда кўпроқ бир бахтсизликни, нимагадир қиёслаш орқали таъриф берилган.

4. Эквивалент бўлмаган мақолларга таржима қилганда бошқа тилга мос келмайдиган мақол ва маталлар тушунилади. Бу мақолларда она тилида сўзлашувчиларнинг психологиясининг ўзига хос хусусиятлари, фикрлаш тарзи, моддий ва маънавий ҳаётини ривожлантиришнинг ўзига хос шароитлари ўз ифодасини топади. Эквивалент бўлмаган мақолларни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиш учун тасвирий ва аралаш таржима усулларидадан фойдаланиш мумкин.

Бир қатор араб мақолларини таржима қилишда тавсиф усули қўлланилади:

إِنَّ مَنْ لَا يَعْرِفُ الْوَحْيَ أَحْمَقُ

“Кимки, имо-ишорани тушунмаса, у аҳмоқдир”,

إِنَّ الْكَذُوبَ قَدْ يَصْنُقُ

“Хатто машхур ёлғончи ҳам баъзан ҳақиқатни айтиши мумкин”.

Қуйидаги араб мақолларини таржима қилишда аралаш усул қўлланилади:

بَيْنِي أَسْنَرُ لِعَوْرَاتِي

“Ўз уйим камчиликларимни яширадиган энг яхши жой”, деган мақол ёлғизликни афзал кўрувчи одамларга нисбатан қўлланилади.

جاء بقرني جملار – Агар бу мақолни араб тилидан ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилинса, “Эшакнинг икки шохини келтирди” – деган маънони беради. Бу мақол ёлғон ва бемаъни гапларни гапирувчи кишиларга нисбатан қўлланилади. Эшакнинг шохи бўлмаслигини ёлғончига қиёс қилинган.

Араб тилидан ўзбек тилига таржима қилишда араблар ҳаётидаги аниқ тарихий воқеаларни акс эттирувчи ва ўзига хос номларни (машхур араб ҳукмдорлари, саркардалари, донишмандларининг исмлари, географик номлар ва бошқалар) ўз ичига олган мақоллар алоҳида қийинчилик туғдиради.

إِنَّمَا حَدَّثَ الْخُدُوشُ أَثْوَشَ

Мақолини таржима қилишда сўзма-сўз ёндашадиган бўлинса, “У Анушнинг хатларини тирнайди” – деб олинади. Албатта кўриниб турибдики, ушбу мақолни таржима қилган шахс ҳеч нарсани тушунмайди. Агар таржимон Ануш Одам Атонинг набираси ва адабий асарларни ҳарфлар билан ёзишни бошлаган биринчи шахс эканлигини билмаса, маъносини тушуниш қийин кечади. Араблар бу мақолни эскирган нарсаларни гапирганда, қўллайдилар. [6:222]

Ўзбек тилидаги ватанга садоқат, оила мустаҳкамлигига оид мақоллар бошқа тилларда ҳам мавжуд. Қариндошлик, оила ёки қабила омон қолиш, ватанга садоқат тамойили, араб менталитетига хос бўлиб, бутун араб Шарқида ўзини намоён қилади [4:43].

Араб тилида “لَكُلِّ وَقْتٍ عَمَلٌ” мақоли бор. Буни ўзбек тилига “Ҳар вақтнинг ўз иши бор” – деб, таржима қилинади. Инглиз ёзувчиси Шекспир ўзининг машхур “Comedy of Errors” драмасида ушбу мақолни: There is a time for all things “Ҳар нарсанинг ўз вақти бор” шаклида келтирган

бўлса, вақт ўтиб, ушбу мақол халқ томонидан “There is a time for everything” тарзида ишлатила бошланган. Бу мақолни ўзбек тилида “Ҳар бир ишнинг вақти бор, Вақт билганнинг бахти ёр” тарзидаги вақтга монанд мақоллар ҳам бор.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, араб тилидаги мақоллар ҳам бошқа тиллардаги каби халқнинг тарихий ривожини ва ҳулқ-атвори, меҳнат ва турмуш тарзини ифодаловчи халқ оғзаки ижоди меросининг ўзига хос бир бўлаги ҳисобланади. Араб тилидаги мақол ва маталларни ўзбек тилига тўрт усул ёрдамида таржима қилиш йўллари кўриб чиқилди. Ҳамма мақолларни ҳам тўғридан-тўғри равишда таржима қилиш мумкин эмаслиги кўрсатиб берилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Убайд ал-Бакрий. Фаслу-л мақол фи шархи-л Амсол. – Байрут. 1981.
2. Аристотель. Метафизика. – Ростов-на Дону: Феникс, 1999. – С. 8.
3. Закиров Р.Р. Особенности перевода арабских паремий на русский язык // Филология и культура. – Казань: Казанский (Приволжский) федеральный университет, 2013. № 1 (31). – С. 49-52.
4. Кухарева Е.В. Пословицы и поговорки как отражение общности морально-этических норм социальной жизни арабских народов (семейно-родственные связи) // Филологические науки в МГИМО. №16 (31) 2004. – С. 41-52.
5. Кухарева Е.В. Арабские пословицы как отражение национального менталитета: монография. – М.: МГИМО, 2010. – 300 с.
6. Мингазова Н.Г., Закиров Р.Р. Теория и практика перевода (арабский язык). Учебное пособие / – Казань: К(П)ФУ, 2011.
7. Поликанов В.Ф. Краткий словарь популярных йеменских пословиц с их переводом и русскими соответствиями / В.Ф. Поликанов. – СПб.: Изд-во «Роза мира», 2005. С.5
8. Ас-Суютий. Ал-Мазҳар фи улуми-л луғати. – Қоҳира: Матбаа боби-л Ҳалабий, 1908.
9. Узбекские народные пословицы и поговорки. Т., “Узбекистон”. 1985. С-86.
10. Шайхуллин Т.А. Русские и арабские паремии с компонентом-наименованием родственных отношений: концептуально-семантический и этнокультурный аспекты: ав-тореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Казань, 2012.